



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 28 сентябрь, № 200 (8823)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазири ўринбосари, мудофаа вазири, Дубай Амирлиги валиаҳди Шайх Ҳамдан бин Муҳаммад Ол Мактум бошчилигидаги делегация билан учрашувида кўп қиррали шерикликни янада ривожлантириш, иқтисодий ва инвестициявий лойиҳаларни илгари суриш, мудофаа соҳасида амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари кўриб чиқилди.



Учрашувда БАА делегацияси таркибида ҳукумат ишлари вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ аль-Гергавий, энергетика ва инфра-

тузилма вазири Суҳайл бин Муҳаммад ал-Мазруий, иқтисодиёт вазири Абдуллоҳ бин Тук ал-Маррий, сунъий интеллект масала-

лари ва рақамли иқтисодиёт бўйича давлат вазири Умар бин Султон ал-Олама ҳам қатнашди.

Суҳбат аввалида Шайх Ҳамдан Ол Мактум давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, БАА Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва мамлакат Бош вазири, Дубай Амири Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг самимий саломи-ни етказди.

Учрашувда инвестициялар, инновацион ривожланиш, «яшил» энергетика, инфратузилма, таълим, соғлиқни сақлаш, экология, рақамли трансформация, туризм ва бошқа муҳим йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги узок муддатли кун тартибиди шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Куннинг биринчи ярмида ўтказилган ўзаро манфаатли ҳамкорлик салоҳиятини рўйбга чиқариш бўйича қўшма форум ҳамда икки томонлама ҳукуматларро ва идораларро музокараларнинг самарали яқунлари юксак баҳоланди.

Стратегик тармоқларда кенг қўламли ҳамкорликни ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

Таъкидлаш жоизки, БАА Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги асосий ҳамкорларидан биридир.

Охирги олий даражадаги мулоқотлар ўтган йил декабрь ойида Дубай шаҳрида бўлиб ўтган Глобал иқлим саммити доирасида ўтказилган эди.

Товар айирбошлаш 2023 йилда 21 фоиз ўсиб, 626 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизда Амирликлар капитали иштирокида 320 дан ортиқ корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Амалга оширилган ва истиқболли инвестиция лойиҳалари портфели қарийб 20 миллиард долларни ташкил этади.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## Сенат Кенгашида НАВБАТДАГИ ЯЛПИ МАЖЛИСНИ ЧАҚИРИШ ҲАҚИДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Сенатнинг эллик саккизинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 30 сентябрь куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.



Таъкидланганидек, видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган ялпи мажлисда қатор масалаларни муҳокама қилиш назарда тутилган. Жумладан, қишлоқ хўжалиги кооперативи, темир йўл транспорти, халқаро битимларни ратификация қилиш

ҳақидаги қонунлар ҳамда бир қатор бошқа қонунлар кун тартибидан ўрин олган.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг қарорларини тасдиқлаш масаласини кўриб чиқишни режалаштирган.

«Халқ сўзи».

## Ўзбекистон ва БАА: ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ТАЖРИБА АЛМАШУВИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Бирлашган Араб Амирликлари ҳамкорлигида юқори даражали тажриба алмашиш форуми ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ва Бирлашган Араб Амирликлари давлат идоралари ва ҳукумати аъзолари, "ISBA", "Fly Dubai", Абу-Даби тараққиёт фонди каби ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

### Халқаро форум

Ўзбекистон Президентининг махсус вакили Азизбек Урунов Бирлашган Араб Амирликлари билан барча соҳада ҳамкорликни жадал ривожлантириш мамлакатимиз учун жуда муҳим ҳисобланишини таъкидлади.

— Икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш миқдори охириги беш йил ичида қарийб уч баробар ўсиб, ўтган йили 600 миллион долларга етди. БААнинг юртимиздаги инвестиция портфели 12 миллиард доллардан ошиб, қиймати яна 10 миллиард долларга

тенг лойиҳалар фаол ишлаб чиқилмоқда. Ишончим комилки, бугунги тадбир шериклик қўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади, — деди у.

Бугунги кунда инвестиция лойиҳалари портфели «яшил» энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика, туризм инфратузилмаси ва бошқа йўналишларни қамраб олган. Қолаверса, давлат хизматини такомиллаштириш, бошқарув кадрлари фаолиятини баҳолаш, тизимни рақамлаштириш бўйича ҳам мамлакатлари-

миз ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу форум ҳам давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш, янги лойиҳа ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришиш мақсадида уюштирилди.

Форум доирасида «Келажақ айни дамда: трансформация даврида ҳукуматни модернизация қилиш» бўйича панель муҳокамаси ташкил этилди. Унда «Ўзбекистон — 2030» стратегиясида белгиланган ислохотларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши, шунингдек, мамлакатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тақдим қилинди. БАА ҳукумати вакиллари ҳам 2071 йилгача мўлжалланган мамлакатнинг узок муддатли ривожланиш режаси ҳақида маълумот берди. Бу жihatдан Ўзбекистон ва БАА ўртасида ўшашлик бор.

## ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИМИЗ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ

Айни кунларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева бошчилигидаги делегация Хитой Халқ Республикасида расмий ташриф билан бўлиб турибди.

### Учрашув

Ташрифнинг биринчи куни бир қатор учрашувлар ўтказилди.

Жумладан, Танзила Норбоева Халқ сийбисий маслаҳат кенгаши Бутунхитой кўмитаси Раиси Ван Хунин билан учрашди.

Учрашувда давлатларимиз раҳбарлари сай-ҳаракати билан Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кўп томонлама стратегик алоқалар янги босқичга кўтарилгани эътироф қилинди.

Мулоқот давомида Сенат Раиси парламентларро муносабатларни узвий давом эттириш, дўстлик гурuhlари

фаолиятини жадаллаштириш билан бирга икки мамлакат ҳудудлари ўртасида ҳамкорлик, бунда маҳаллий Кенгашларнинг ўзаро алоқаларини йўлга қўйиш зарурлигини алоҳида ургулди.

Шунингдек, учрашувда савдо-иқтисодий, технология, транспорт, энергетика, фан-таълим, инновация, туризм соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва экология масалалари юзасидан ўзаро ҳамкорлик режалари муҳокама қилинди.

«Халқ сўзи».

## ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ШАРАФЛИ ЙЎЛИ

Айни кунларда юртимиз бўйлаб Восит Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг 50 йиллиги кенг нишонланмоқда.

### Анжуман

Кун кеча мазкур муассасада давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қад ростлаган академик

Восит Воҳидов ҳайкалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. ...Эрта тонгдан марказда давлат идора ва ташкилотлари мутасаддилари, сенатор ҳамда депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва

қарашли даволаш-профилактика муассасалари, тиббиёт олий ўқув юрталари вакиллари, олимлар ва соҳа фахрийлари жам бўлди.

Тадбирни соғлиқни сақлаш вазири вазифасини бажарувчи Асилбек Худоёров кутлов сўзи билан очди. Академик Восит Воҳидовнинг ўғли Алишер Воҳидов, Россия Фанлар академияси академиги Владимир Порханов ва бошқалар сўзга чиқиб, жонқуяр ва фидойи акаде-

микнинг самарали фаолияти, соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган амалиётлар ва унинг самаралари хусусида тўхталишди. Тантанали маросимдан сўнг «Воҳидов ўқишлари — 2024» XXVIII халқаро илмий-амалий анжумани ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг Восит Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоасига

табригини Президент Матбуот қотиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Қайд этиш жоизки, мазкур анжуманда тиббиёт соҳаси олимлари, юртимизнинг етакчи хирурглари, соҳа фахрийлари, бўлажақ шифокорлар, муассаса жамоаси билан бирга АҚШ, Россия, Хитой, Германия, Канада, Қозғоғистон, Тожикистон каби давлатлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этиши унинг аҳамиятини янада оширди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини ривожлантириш, соҳада ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ўқув жараёнига миллий ва илгор хорижий тажрибалар, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш борасидаги муносиб ҳиссаси, ўқувчиларга илм-фан асослари ва замонавий касб-хунарларни ўргатиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, Учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш йўлидаги катта хизматлари, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, фарзандларимизни Ватанга меҳр ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ибратли фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

#### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» фахрий унвони билан

Абдурахманова Озода Дехканбоевна — Қуйи Чирчиқ туманидаги 25-умумий ўрта таълим мактабининг биология фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Акрамов Набижон Курбонвич — Марҳамат туманидаги 3-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвони билан

Матмуратов Ихтиёр Курбонбоевич — Шовот туманидаги ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Раунов Илёс Аҳадович — Гиждувон туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони билан

Ачилова Манзура Шералиевна — Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг академик лицейи математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Каримов Суян Амирович — Самарқанд давлат университетининг ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори, Самарқанд вилояти

#### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Мендибаев Бахрам Рустамович — Спорт яқкаурашлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг оғир атлетика бўйича катта мураббийси

#### «Меҳнат шухрати» ордени билан

Кувандикова Дамила Яхшибоевна — Навоий шаҳридаги 1-болалар мусика ва санъат мактабининг фортепиано синфи ўқитувчиси, Навоий вилояти

Мирзахмедов Мирфазил Абдилхакмович — Ўзбекистон Республикаси Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги хузуридаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази етакчи мутахассиси

Рапикова Хафиза Каюмбердиевна — А.П.Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи тарбиячиси, Тошкент шаҳри

Ҳомидов Дилшодбек Боходирович — Шаҳрихон туманидаги «Академик Саримсаков» нодавлат таълим муассасасининг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

(Давоми 2-бетда).

## САЙЛОВ — 2024

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар

### Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда.

### Бугунги сонда Ўзбекистон «Адолат» СДП номидан «Адолатли жамиятни биргаликда қурамиз» сарлавҳали саҳифа эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Дўстлик» ордени билан

Азаматова Галина Рауфовна — Пахтакор туманидаги «Kiddle» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти директори, Жиззах вилояти

Ахмедова Замира Одилевна — Чуст туманидаги 35-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Наманган вилояти

Болтаева Қамбар Абдуллаевна — Бухоро шаҳридаги Президент мактабининг биология фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Гэди Мишель Дениз — «Янги Ўзбекистон» университети доценти

Ким Зинаида Константиновна — Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг педагог кадрларни тайёрлаш ва касбий ривожлантириш бошқармаси етакчи мутахассиси

Маджидов Ином Уришевич — Ўзбекистон Миллий университети ректори

Машраббекова Азиза Машраббековна — Корея Республикасининг Ханкук хорижий тиллар университети Марказий Осие кафедраси профессори

Мироскина Ольга Юрьевна — Миробод туманидаги 60-ихтисослаштирилган мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Мунинов Сиддиқон Мирсобирович — Фаргона давлат университетининг тилшунослик кафедраси профессори, Фаргона вилояти

Мунтева Гулнара Узакбаевна — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали халқ ижодиёти кафедраси ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Намазова Кизларсара Муратовна — Жарқўрғон туманидаги 7-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Степанова Ольга Анатольевна — Пахтачи туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Тойчубаева Айсулу Маматбековна — Хўжаобод туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Андижон вилояти

Турдиева Ирода Ғайратовна — Китеб туманидаги 96-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Уралиев Абдуназар Норқуллович — Боевут туманидаги 1-касб-хўнар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Сирдарё вилояти

Хабидулло Венера Салиховна — Зангиота туманидаги 14-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдурахманова Иқболхон Юлчиевна — Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг академик лицейи биология фани ўқитувчиси

Алматов Тура Жураевич — Қумқўрғон агротехнологиялар техникумининг махсус фан ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Астанов Салих Хусенович — Бухоро муҳандислик-технология институтининг аниқ фанлар кафедраси профессори, Бухоро вилояти

Ашурова Санобархон Юлдашевна — Профессонал таълимни ривожлантириш институтининг инновацион лойиҳалар, фан ва таълим технологиялари трансфери бўлими бошлиғи

Боқиев Акрам Васиевич — Яккабоғ туманидаги 75-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Ибрагимов Рустам Асадович — Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабининг чанг синфи ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Олимова Анарай Джурахановна — Юқори Чирчиқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Полвонова Юлдузон Сапарбоевна — Муҳаммад Ризо Огахий номидаги ижод мактабининг математика фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Разақов Шамсиддин Эргашевич — Мингбулоқ туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг тарих фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Рафиев Хамракул Талибович — Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассислари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Самарқанд филиали профессори, Самарқанд вилояти

Рихсиева Гулчехра Шовкатовна — Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори

Султонова Мухайё Ёқуббековна — Косонсой туманидаги 24-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Таджитдинова Феруза Раҳманкуловна — Навоий давлат кўчилиқ ва технологиялар университетининг академик лицейи ижрочи директори, Навоий вилояти

Турдимуратова Зулфия Ешановна — Мўйноқ туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпоқ тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ширинов Хуршид Хасанович — Тошкент шаҳридаги Президент мактабининг физика фани ўқитувчиси

«Соғлом турмуш» медаллари билан

Аллабергенова Нилуфар Илёевна — Қўшқўпир туманидаги 4-ихтисослаштирилган мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Арипова Гулнара Талибовна — Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг камондан отиш бўйича мураббийси

Казокова Дилфуза Рейимбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси «Баркамол авлод» болалар мактабининг тасвирий санъат тўғраги раҳбари

Кимсанова Сайидахон Эсоновна — Кува туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг технология фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Мамадалиев Яшаржон Машрабович — Норин туманидаги 42-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Раджабова Мухаббат Тошпўлатовна — Сардоба туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Самадова Сабина Сабировна — Кармана туманидаги «Kids Academy» нодавлат мактабгача таълим ташкилоти директори, Навоий вилояти

Ташмухамедова Шахноз Рафиковна — Шайхонтохур туманидаги 186-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Худоймуродова Хилола Мухиддиновна — Қизилқум туманидаги 36-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

«Шухрат» медаллари билан

Аллабергенова Гулшайра Атамуратовна — Хўжайли туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Атажонова Саидахон Бораталиевна — Андижон машинасозлик институтининг ахборот технологиялари кафедраси мудир, Андижон вилояти

Бердиева Умидахон Осимжоневна — Яккасарой туманидаги «Humo School Academy» нодавлат таълим муассасаси директори, Тошкент шаҳри

Бойқобилова Дилрабо Соатмуродовна — Бандихон туманидаги 17-ихтисослаштирилган мактабининг биология фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Буранов Журабек Расуллович — Термиз туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Валиева Зиёда Абдужабборовна — Фаргона туманидаги «Бахтли келажак сари қадам» оилавий болалар уйи раҳбари, Фаргона вилояти

Вахובה Озода Холмуродовна — Тайлоқ туманидаги 10-мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси, Самарқанд вилояти

Давронова Дилрабо Шермаатовна — «SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари» уюшмасининг Самарқанд шаҳридаги филиали директори, Самарқанд вилояти

Исаева Барно Абдужаббаровна — Республика мусика ва санъат коллежининг театр ва кино санъати кафедраси мудир

Исмаилова Эрешгул Жораевна — Қоровулбозор туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактаби кутубхоначиси, Бухоро вилояти

Каримов Абдурашид Мусахоневич — Наманган давлат университетининг кимё кафедраси доценти, Наманган вилояти

Қодирова Хавоҳон Гулямовна — Фаргона шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Кориев Рустам Умаржон ўғли — Тошкент шаҳридаги «Ибрат фарзандлари» нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари

Курбанов Онгарбай Хожанберганович — Нукус шаҳридаги Президент мактабининг физика фани ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Курбанов Журабек Абдувоҳидович — Улуғнор туманидаги ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

Қўнишева Гулчехра Асадовна — Бахмал туманидаги 66-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Махаматкулова Сайёра Абдуллаевна — Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Музафорова Ойгул Курбанбоевна — Гулистон туманидаги 29-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Мунинова Дилноза Пардақулловна — Олмазор туманидаги 234-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Насимов Бекзод Шермухаммад ўғли — Жиззах шаҳридаги Президент мактабининг информатика фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Нишанбаев Сабир Зарипбаевич — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Усимлик моддалари кимёси институти лаборатория мудир

Нурлиева Нилуфархон Содикжоневна — Қўрғонтепа туманидаги «Мурувват» ноғиронлиги бўлган болалар учун интернет уйи тарбиячиси, Андижон вилояти

Нурматовна Чарос Курбановна — Оқдарё туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг немис тили фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Очилов Анвар Жонпўлатович — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Парпиева Нигора Назировна — Қувасой шаҳридаги ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Фаргона вилояти

Пуллатов Гайбулла Жололович — Чортоқ туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Ражабова Сарвино Юнусовна — Жондор туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Бухоро вилояти

Розиков Ойбек Баходирович — Мирзаобод туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Сабирова Мухайё Хусниддиновна — Олмазор туманидаги «Мурувват» ноғиронлиги бўлган болалар учун 1-интернет уйи логопеди, Тошкент шаҳри

Саидмуродов Шухрат Алишерович — Тошкент туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабининг нақриувга қадар бошланғич тайёрларлик фани ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Самадов Сардор Сабирович — Навоий шаҳридаги 11-ихтисослаштирилган мактабининг кимё фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Тағаймуратов Абдуваит Абдимуратович — Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, Тошкент шаҳри

Тангиров Хуррам Эргашевич — Жиззах давлат педагогика университетининг информатика ва рақамли таълим технологиялари кафедраси доценти, Жиззах вилояти

Тоиров Олимжон Зуворович — Тошкент давлат техника университетининг электр машиналари кафедраси мудир

Тулқибоева Фируза Калбаевна — Қонимех туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

Туляганова Дилфуза Юлдашевна — Қўйраб туманидаги касб-хўнар мактабининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Тошкент вилояти

Тухтамуродов Элбек Дилмуродович — Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Халиков Азамат Кахрамонович — Қарши шаҳридаги 18-қўзи оқиб болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг давлат ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Хашимова Сабоҳат Абдуллаевна — Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетининг тиллари ўрганиш кафедраси профессори

Худойбердиева Ойтула Муртазақулловна — Миришкор туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг география фани ўқитувчиси, Қашқадарё вилояти

Шадияров Алишер Эшпўлатович — Дўстлик туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси, Жиззах вилояти

Шихназарова Садоқат Умаржон қизи — Хива шаҳридаги Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми махсус фан ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Эргашева Гули Исмоил қизи — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультети декани

Эшўраев Хўшобқ Чоршанбиевич — Шеробод туманидаги ихтисослаштирилган мактабининг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Юлдашев Джамшид Абдималикович — Учқудуқ туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2024 йил 27 сентябрь

Сенат кўмиталарида

Темир йўл транспорти:

ТАРИФЛАР ЭРКИН ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда «Темир йўл транспорти тўғрисида»ги қонун дастлабки тарзда муҳокамадан ўтказилди.

Кайд этилганидек, ушбу қонунда «темир йўл транспорти» тушунчаси қайта кўриб чиқилиб, янги тахрирда баён қилинмоқда. Бунда республиканинг темир йўл транспорти умумий фойдаланишдаги ва умумий фойдаланишда бўлмаган темир йўл транспортига аж-

ратилмоқда. Айни чоғда темир йўл транспортида бозор тамойиллари асосида эркин шакллантириладиган тарифлар аниқ белгиланмоқда.

Этиборлиси шундаки, унга қўра юк вагонларини тақдим этиш, юкка тезлик ҳаракатланганидан ва тезорар поездларда йўловчиларни ташини хизматлари тарифларини давлат томонидан тартибга солиш амалиётидан воз кечи-

либ, бозор тамойили асосида тартибга солиш механизми мустақамлаб қўйилмоқда.

Шу билан бирга, йўловчиларни ички қатновларда ташини (бундан йўловчиларни оқори тезликдаги ва тезорар поездларда ташини мустасно) билан боғлиқ зарарининг ўрнини Давлат бюджети ҳисобидан қоплаш тартиби жорий этилмоқда.

Махлис якунида қўрилган масала бўйича Сенат кўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

АГЕНТЛИКНИНГ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси мажлисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссиялари вакиллари, экспертлар, Ёшлар парламенти аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди.

Тадбирда дастлаб «Қишлоқ хўжалиги кооперативи тўғрисида»ги қонун кенг муҳокама қилинди.

Махкур қонун билан қишлоқ хўжалиги кооперативларини ташкил этиш, кооператив аъзоллигига қабул қилиш, назорат, ташқи аудит, бошқариш, қайта ташкил этиш ва тугатиш борасидаги, шунингдек, давлат ва кооперативлар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинаётгани айтиб ўтилди.

Қонунда қишлоқ хўжалиги кооперативининг бошқарув органлари, жумладан, умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, бошқарув кенгашининг аниқ вазифалари, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда.

Сўнгра мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартiriшлар киритиш тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги махсулотлари экспорти билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш соҳасига хусусий секторни жалб этиш, бу борада тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Аммо шу сазъ-харакатларга қарамай карантин остидаги махсулотни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқишда қўшимча қулайликлар яратиш, махсулотнинг фумигацияси

бўйича тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, ушбу фаолиятни амалга оширишда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш зарурати ҳам мавжуд.

Шундан келиб чиқиб ушбу қонун билан Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг ўсимликлар карантини соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Масалан, экспорт қилинадиган карантин остидаги махсулотларнинг фумигацияси фаолиятини лицензиялаш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқилаётган карантин остидаги махсулотнинг фумигацияси бўйича фаолиятни лицензияланганлик учун давлат божи миқдорлари белгиланмоқда.

Мўҳокама якунида кўриб чиқилган қонунлар юзасидан иштирокчилар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди ҳамда кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

НОРАСМИЙ БАНДЛИКНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ОМИЛЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРАЛАРИ

Олий Мажлис Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси томонидан ўтказилган семинарда қишлоқ хўжалигида норасмий бандликни камайтириш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш ва бартараф этиш чоралари муҳокама марказида бўлди.

Тадбирда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари котибияти мудирлари ҳамда Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссия раислари қатнашди.

Унда иштирокчилар томонидан агрокластерлар, фермерлар, деҳқон хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида аҳолини доимий ва мавсумий ишларда даромадли меҳнат билан банд қилишда юзага келаётган муаммолар сабаблари чуқур таҳлил этилиб, уларни ҳал қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Ғалладан бўшаган экин майдонларини ишсиз, шу жумладан, хорижда ишлаб қайтган фуқароларга такрорий экин экиш учун ажратилиш ишларини жадаллаштириш зарурлиги ҳам ургуланди.

Семинар давомида мутахассислар томонидан қишлоқ хўжалигида иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда бу борада норасмий бандлик улушини қисқартириш бўйича зарур тақдирлар берилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва БАА:

ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ТАЖРИБА АЛМАШУВИ

БАА молия вазирлиги ўринбосари Юнус Хожийевнинг ўзининг айтишича, янги стратегия доирасидаги мақсадларга эришиш учун ўз мамлакатидан иқтисодий, илмий маърифий ва технология ресурсларига бўлиб, энг аввало, ҳуқумат миллий иқтисодийни диверсификациялаш бўйича фаол ва изчил сиёсат юритяпти.

Хозирги вақтда БАА инсон таъриқи ва таълимга инвестиция киритишни мақсад қилиб қўйган. Ўзбекистондаги каби БААда ҳам рақамлаштириш давлат стратегиясининг истиқболли йўналишларидан бирига айланган. БАА ҳуқумати тўлиқ «электрон ҳуқумат»га ўтишга интилоқда. Шу билан бирга, Амириклар федерал ҳуқумати рақамли иқтисодийни ривожлантириш стратегиясини ҳам тасдиқлаган. Махкур ҳужжатда кейинги ўн йил давомида ялпи ички махсулотга қўшилган хиссани 9,7 фоиздан 19,4 фоизга, яъни икки қара ошириш кўзда тутилган. Бу Амирикларга Яқин Шарқ, Форс кўрфаси ва Шимолий Африка мамлакатлари орасида етакчилиكنи сақлаш имконини беради.

Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, Ўзбекистон учун бундай ютуқларга эга мамлакат билан яқин ҳамкорлик қўлаб йўналишларда кенг сиёсий ва иқтисодий имконият очади. БАА кенг инвестиция имкониятига, илғор технологияни самарали жорий қилиш, диверсификацияланган ва барқарор иқтисодийни шакллантириш таъминланган йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш тажрибасига эгалигини эътибор олган ҳолда ушбу тажрибадан фойдаланиш мўҳим аҳамиятга эга.

Форумда икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича лойиҳа ва ташаббусларни муҳокама қилиш мақсадида 8 та кластер — инвестициялар ва иқтисодий ўсиш, энергетика ва инфратузилма, таълим ва ҳудудларни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, атраф-муҳит муҳофазаси, рақамли трансформация, туризм, ҳуқуматни ривожлантириш каби йўналишларда қўшма ишчи

сид а етакчилиكنи сақлаш имконини беради.

Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, Ўзбекистон учун бундай ютуқларга эга мамлакат бил

# АДОЛАТЛИ ЖАММИЯТНИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ



**Мамлакат сиёсий майдонида ўзини “сўл марказ” позициясида намоён этиб келаётган “Адолат” социал-демократик партияси социал-демократия мафкурасига содиқ қолган ҳолда иқтисодий эркинликни тан олишда давлат иштирокини сақлаб қолиш, ижтимоий тенглик, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти каби ғояларни илгари суриб келади.**

Партиямиз жорий йилнинг 27 октябр кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлиги сайловларига қизгин тайёргарлик қўрган ҳолда ўзининг ақинида бўлиб ўтган XII қурултойида 2025 — 2029 йилларга мўлжалланган “Тенг имкониятлар ва адолатли жамият сари!” деб номланган янги Сайловолди дастурини эълон қилди.

Сайловолди дастурида, бир томондан, илгор миллий ва хорижий тажриба, иккинчи томондан эса замонавий социал-демократиянинг адолатлилик, эркинлик, тенглик ва бирдамлик каби халқчил ғоялари, мақсад ва вазифалари миллий кадрларимизга уйғун ҳолда сингдирилди.

Сайловолди дастурида мумтоз социал-демократиянинг жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган ғояларига тўлиқ мос келади. Бу борада партия ҳуқуқий давлат барпо этиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, коррупцияга қарши мурасасиз курашиш каби 9 та йўналишда қатор вазифаларни белгилаб олганлиги ҳам дастурининг номланиши ва унинг мазмуни ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади.

## Ҳуқуқий давлат барпо этиш — олий мақсадимиз

Маълумки, “Адолат” социал-демократик партиясининг дастурида Конституция ва қонунлар устуворлиги таъминланган ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимояланган ҳуқуқий давлат кураши бош мақсад сифатида белгиланган.

Шу боис Сайловолди дастурининг биринчи — **Ҳуқуқий давлат барпо этиш — олий мақсадимиз, деб номланган йўналишида** барча фуқаро ва мансабдор шахслар ўз ҳаёт тарзини қонун асосида йўлга қўйиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси сифатида қайд этилган бўлиб, бунинг учун, энг аввало, жамиятда Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш лозимлиги таъкидланган.

Сайловолди дастурининг мазкур йўналишида ҳуқуқий давлатни барпо қилиш йўлидаги устувор вазифаларга эътибор қаратадиган бўлсак, энг аввало, суд-ҳуқуқ тизимида катта аҳамият берилганини кўрамиз.

Дарҳақиқат, суд-ҳуқуқ тизимидаги охиқотларни изчил давом эттириш хозирги кунда энг муҳим вазифалардан бири саналади. Сабаби **фуқароликнинг судни одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган, деб эмас, аксинча, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончи ҳимоя қиладиган орган, деб қарашига** эришиш муҳим саналади. Бунинг учун, аввало, судьялар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилиги, судьянинг эса ҳолислиги ва беғаразлигига шубҳа туғдирувчи омиллар мавжуд бўлмағлиги лозим.

Сайловолди дастурида бу борада фуқароларга энгиллик яратиш ҳамда судлар фаолиятида сифат ва самардорликни ошириш мақсадида **ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролик ишлари бўйича судларни** ташкил этиш, судьялар ҳуқуқларини юқори даражада қаролатиш ва иш юклаганларни мақбуллаштириш мақсадида **“Судьялар макони тўғрисида”** алоҳида қонун ишлаб чиқиш, давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланишини назарда тутуви **“Давлат компенсацияси тўғрисида”** қонун қабул қилиш ҳамда **жиноятдан жабрланганларга қўмаклашиш** жамғармасини ташкил этиш каби муҳим тақлифларни илгари сурганмиз.

Шунингдек, Сайловолди дастурида **судьяларнинг сонини** босқичма-босқич кўпайтириб бориш ва улар-

нинг **ихтисослашувини кенгайтиришга** алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу эса, пировардида, одил судлов сифатини яхшилашга ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясига хизмат қилади.

Сайловолди дастурида мазкур йўналишида, шунингдек, жамиятни ўйлантириб келаётган яна бир муаммо — **пиёдалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга қаратилган** кескин чоралар кўриш бўйича ҳам ташаббусларни илгари сурганмиз. Хусусан, ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини мунтазам бузганлик учун жазо чораларини кучайтириш, шу жумладан, транспорт воситасини маст ҳолда бошқарган ёки оғир оқибатларга сабаб бўлган ҳолатларда **умрбод ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилиш** тақлифи ниҳоятда долзарб ташаббус саналади.

Ўзбекистонда ҳар бешта ўлимнинг биттаси йўл-транспорт ҳодисалари ҳиссасига тўғри келади. Ҳисоб-китобларга кўра, йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ иқтисодий харажатлар Ўзбекистон йиллик ялпи ички маҳсулотининг 2,8 фоизига тенг.

Бундан ташқари, йўлларда пиёдалар ва автотранспорт воситалари ҳаракатланиши учун етарли даражада инфратузилманинг яратилмагани, йўллар пиёдаларга мослашмаганлиги ҳам асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Партиямиз мазкур муаммога ечим сифатида тартибга солинмаган пиёдалар ўтиш жойларида **пиёдалар ҳуқуқларининг устуворлигини** сўзсиз таъминлашни тақлиф этмоқда. Шу билан бирга, пиёдалар йўлларида ногиронлиги борлар учун тенг шароитлар яратиш, **ногиронлиги бўлганлар учун светофорларда махсус товуш чиқарувчи қурилмалар ўрнатиш**ни ҳам тақлиф қилганмиз. Ушбу тақлифларимиз сайловчиларга манзур бўлади, деб ишонамиз.

## Адолатли фуқаролик жамияти ва демократик институтларни ривожлантириш

Сайловолди дастурида иккинчи йўналишида Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатларини янада кенгайтириш тақлиф қилинган бўлиб, парламентаризм ва парламент демократиясини ривожлантириш йўлидаги вазифалар бирма-бир санаб ўтилган. Жумладан, **“Рақамли парламент”** тизимини такомиллаштириш, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг ваколатини кучайтириш, уларнинг ҳокимлар билан ҳуқуқий муносабатларда ўзаро тийиб туриш механизмини такомиллаштириш мақсадида **маҳаллий Кенгаш депутатларига тегишли ҳокимларга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш** ҳуқуқини бериш каби янги механизмлар тақлиф қилинган.

Ушбу йўналишда, шунингдек, сўз ва матбуот эркинлиги, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини тўлақонли рўёбга чиқариш, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган **ОАВ мустақиллигини таъминлаш, журналистларнинг эркин фаолият юритиши учун шарт-шароитларни янада кенгайтириш, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириб бориш** билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланган.

Айниқса, ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёлгон маълумотлар тарқатилиши ва фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган механизмнинг жорий этиш, хусусан, оғоҳликка чорловчи контентларни янада кўпайтириш, ёлгон хабарлар ва фирибгарликнинг янги турлари ҳақида доимий, ўзига хос шаклда оғоҳлантириш туруви **“Стопфейк” (STOP FАKE) платформасини яратиш** каби тақлифлар, ҳақиқатан ҳам, долзарб аҳамиятга эга.

## Иқтисодиётнинг барқарор равнақини таъминлаш

Сайловолди дастурида мазкур йўналишида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ўз ичига олган учинчи йўналишда энг устувор вазифа — давлатнинг иқтисодий фаолиятини натижасида юзага келган даромадларни адолатли тақсимлашни таъ-

асосида йўлга қўйиш ва Робототехника фанини жорий этиш, сунъий интеллект асосида **“ақли мактаб” дастури**ни таълим тизимига татбиқ қилиш, талабалар тураржойлари барпо этишни кенгайтириш, олий таълим муассасаларида ўқув адабиётлари сифатини яхшилаш, Ўзбекистон Республикасининг **“Илм-фан ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”**ги қонунини қабул қилиш кабилар ҳам Сайловолди дастурида мазкур ўрин олган бўлиб, улар ўта долзарб аҳамиятга эга тақлифлар ҳисобланади.

гендер тенг ҳуқуқлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, **хотин-қизлар муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, айниқса, ёрдамга муҳтож ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш чораларини кучайтириш** масалаларига оид аниқ тақлифлар илгари сурилган.

Хусусан, **зўравонликнинг турли**



## Халқ саломатлиги — улкан бойлик, фаровон турмуш гарови

Маълумки, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида соғлиқни сақлаш соҳаси алоҳида ўрин тутади. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги халқнинг саломатлигидир.

Сайловолди дастурида мазкур йўналишида тиббиёт соҳаси даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини **“тижорат ташкилоти”дан нотижорат ташкилотга ўтказиш**, нодавлат тиббиёт муассасаларида **тиббий хизматлар учун тўловлар миқдори устидан давлат назоратини** ўрнатиш тақлиф қилинган.

Албатта, хусусий секторнинг давлатнинг муайян қонун-қоидалари асосида фаолият юритиши ва давлат назорати остида бўлиши лозимлиги нукта назаридан бундай тақлифларга **социал-демократия мафкурасига тўлиқ мос** келади.

Дастурининг ушбу йўналишида, шунингдек, бутун дунёда замонавий тенденцияга айланиб бораётган **“ақли тиббиёт” тизими** ҳам эътибордан четда қолмаган. Бу борада партиямиз мазкур тизимнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, **“электрон поликлиника” ва “ягона электрон анкета”** тизимларини йўлга қўйишни мақсад қилган.

Шунингдек, Сайловолди дастурида фармацевтика соҳасини тартибга солиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам қамраб олинган. Хусусан, **фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва қонуний мулоқотга чек қўйиш**, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига қаразили ҳомилигини тўлиқ тақиқлаш, бу каби ҳаракатлар учун **жиноий жавобгарлик белгилаш** тақлиф этилганлиги айни муддаодир.

Сайловолди дастурида фуқароларни иш билан таъминлаш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари муҳофазасини кучайтириш билан боғлиқ қатор долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинганки, улар орасида олий ва профессионал таълим муассасалари битирувчилари учун **“Кафолатланган биринчи иш жойи”** лойиҳасини амалга ошириш, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шунингдек, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларига эга бўлишини ташкил этишга қўмаклашиш ҳамда **“Фахрийлар тўғрисида”**ги қонун ишлаб чиқиш кабиларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, узулқиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириш, хусусан, мактабларда ўқитиладиган Технология фанини ўқитишни замон талаблари

## Халқ саломатлиги — улкан бойлик, фаровон турмуш гарови

Маълумки, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида соғлиқни сақлаш соҳаси алоҳида ўрин тутади. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг энг катта бойлиги халқнинг саломатлигидир.

Сайловолди дастурида мазкур йўналишида тиббиёт соҳаси даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотларини **“тижорат ташкилоти”дан нотижорат ташкилотга ўтказиш**, нодавлат тиббиёт муассасаларида **тиббий хизматлар учун тўловлар миқдори устидан давлат назоратини** ўрнатиш тақлиф қилинган.

Албатта, хусусий секторнинг давлатнинг муайян қонун-қоидалари асосида фаолият юритиши ва давлат назорати остида бўлиши лозимлиги нукта назаридан бундай тақлифларга **социал-демократия мафкурасига тўлиқ мос** келади.

Дастурининг ушбу йўналишида, шунингдек, бутун дунёда замонавий тенденцияга айланиб бораётган **“ақли тиббиёт” тизими** ҳам эътибордан четда қолмаган. Бу борада партиямиз мазкур тизимнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш, соғлиқни сақлаш тизимини тўлиқ рақамлаштириш, **“электрон поликлиника” ва “ягона электрон анкета”** тизимларини йўлга қўйишни мақсад қилган.

Шунингдек, Сайловолди дастурида фармацевтика соҳасини тартибга солиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳам қамраб олинган. Хусусан, **фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги яширин келишув ва қонуний мулоқотга чек қўйиш**, фармацевтларнинг тиббиёт муассасаларига қаразили ҳомилигини тўлиқ тақиқлаш, бу каби ҳаракатлар учун **жиноий жавобгарлик белгилаш** тақлиф этилганлиги айни муддаодир.

## Оилани мустаҳкамлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш

Партия Сайловолди дастурининг ушбу йўналишида хотин-қизлар ва

кўринишларига учраган аёлларга ҳуқуқий қўмак кўрсатиш бўйича **махсус электрон платформа яратиш**, қонунчиликка ижро ҳокимиятида раҳбарларнинг қамиди **30 фоизи аёллар бўлишига** оид қоида киритиш бўйича тақлифлар илгари сурилганлиги диққатга сазовордир.

**Ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқларини тўлақонли таъминлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши ва интеллектуал ривожланиши масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилган.** Бу борада республикамиз ҳудудларида фаолият юритувчи ёшлар технопаркларини янада ривожлантириш, замонавий ёндашувлар асосида ёшларда китобхонлик маданиятини янада такомиллаштириш, ёш ихтирочи олимлар учун патент олиш жараёнини янада соддалаштириш каби илгор ташаббусларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида вояга етмаган шахсларга нисбатан жинсий зўравонлик учун жазоларни кескин кучайтириш, **14 ёшга етмаганларга нисбатан содир этилган жиноятчиларга умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини** қўллаш каби долзарб тақлифлар илгари сурилган.

## Коррупцияга қарши курашиш — устувор вазифамиз

Сайловолди дастурида коррупцияга қарши курашишга оид бўлган қатор тақлифлар илгари сурилган. Зеро, жамиятда коррупцияга қарши курашмасдан адолатни таъминлашнинг имкони йўқлиги ҳаммага маълум.

Тан олиш кераки, сўнгги йилларда амалга оширилган тизимли сатыё ҳаракатлар сабаб, коррупцияга барҳам бериш борасида салмоқли ютук-

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастури мамлакатимизни ҳар томонлама мувозанатли ва тизимли ривожлантириш йўлини тақлиф қилувчи стратегик ҳужжатдир. Унинг асосида ижтимоий адолат, имкониятлар тенглиги, қонун устуворлиги ва инсонга ғамхўрлик кадрларига ётади. Биз айнан шундай ғояларгина Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши ва раванқ топиши учун қафолат бўла олади, деб ишонамиз.

**Адолат учун бирлашайлик!**

ларга эришилди. Ушбу иллатнинг олдини олиш, хусусан, давлат бошқарувида очиқлик ва шаффоқликни таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, рақамлаштириш орқали инсон омилини кайтайтиришга қаратилган превентив механизмларни жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Пировард натижада мамлакатимиз “Transparency International” ташкилотининг коррупцияни идрок этиш индексиде 47 поғонага (2013 йилдаги 168-ўриндан 2023 йилда 121-ўринга) кўтарилди ва бу борада Марказий Осиёда энг юқори ўринни эгаллаб турибди.

Бироқ эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмасдан ушбу йўлдаги сатыё-ҳаракатларни изчил давом эттириш биз учун муҳим аҳамиятга эга. Партиямиз мазкур муаммонинг олдини олиш бўйича бир қатор тақлифларни илгари сурмоқда. Хусусан, **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги мақомини кенгайтириш, коррупция фактларини “дастлабки ўрганиш” (коррупцион суриштирув) институтини киритиш** муҳим аҳамият касб этади.

Бундан ташқари, партиямиз коррупция билан боғлиқ жиноятлар, айниқса, талон-торож ҳолатлари учун жазони кучайтирувчи, **етказилган зарарларни ўн баробар миқдорда ундиришни** назарда тутувчи нормаларни қонунчиликка киритиш, давлат даромадига ундириладиган барча тўловлар (жарималар, давлат божлари, йиғимлар ва бошқа мажбурий ундирувлар) вазирлик ва идораларга назорат қилиш, тўлалигича Давлат бюджетига тушишини таъминлаш тарафдори.

## Тинчликсевар, прогрессив ташқи сиёсат, миллий манфаатлар устуворлиги

“Адолат” партиясининг ташқи сиёсий устуворликлари прагматизм, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, асосий ҳамкорлар ўртасида мувозанатни сақлаш тамойилларига асосланади.

Эътироф этиш лозимки, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг минтақавий ва халқаро жараёнлардаги иштироки сезиларли даражада кенгайди. Аҳанавий ҳамкор ва етакчи мамлакатлар, шунингдек, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан алоқаларни янада ривожлантириш, улар билан мувозанатли ва доимий мулоқот олиб бориш орқали мамлакатимизнинг миллий манфаатлари фаол амалга оширилмоқда.

Айниқса, **Марказий Осиё мамлакатлари** билан алоқалар ҳар қачонгидан кўра анча кенгайган эътиборга моликдир. Сиёсий, савдо-иқтисодий, трансчегаравий, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, чегара пунктларини кесиб ўтиш каби муаммоларни томонлар очик ва дўстона руҳда хал қилиб келишмоқда.

Шу билан бирга, мамлакатимиз тинчликпарвар ташқи сиёсатини изчил давом эттириш билан боғлиқ олдимизда ҳали бир қатор вазифалар ҳам борки, улар Сайловолди дастурида мазкур йўналишида ўз аксини топган.

Сайловолди дастурида Ўзбекистон Республикаси миллий манфаатларини халқаро майдонда илгари суриш мақсадида **парламент дипломатияси** имкониятларидан унумли фойдаланиш вазифаси қўйилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, парламент дипломатияси бевосита хорижий мамлакатлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни кенгайтиришга хизмат қилади.

**Абдуқамол РАҲМОНОВ,**  
Ислом ҲАМРОЕВ,  
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши  
раиси ўринбасарлари.

# САЙЛОВЛАРГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА МУТАСАДДИЛАРНИНГ АХБОРОТЛАРИ ТИНГЛАНДИ



Айни кунларда мамлакатимизда бўлиб ўтиши кутилаётган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш жараёнлари кизгин паллага кирди.

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сайлов қонунчилиги тарғиботи борасида адлия органлари томонидан амалга оширилган ишлари ҳақидаги ахборот, Рақамли ахборот технологиялар вазирлигининг сайловлар жараёнини бошқариш ахборот тизими ва сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш, сайлов округлари ва участкаларини интернет ва алоқа воситалари билан таъминлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳақидаги ахбороти, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг кузатувчиларини аккредитациядан ўтказиш ҳамда сайлов кампанияси давомида келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари натижаларига бағишланган масалалар кўриб чиқилди.

Сайловларни Конституция ва қонунларимиз, умумэтироф этилган халқаро демократик стандартлар асосида ва уларга тўла риоя қилган ҳолда ўтказиш кўп жиҳатдан фуқароларнинг сайлов қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқ. Шу маънода, сайловлар жараёнларида ҳар бир сайловчининг шахсан иштироки орқали ўз сиёсий иродасини намоён қилишини тарғиб этиш, сайловчиларнинг сайлов қонунчилиги бўйича ҳуқуқий билимларини юксалтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, мажлисида адлия органлари томонидан "Менинг танловим — обод Ватаним" шiori остида аҳолининг сайлов қонунчилигига оид ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида қилинган ишлар ҳақидаги ахборот тингланди.

Таъкидланганидек, жойларда уюштирилган тадбирларда фойдаланиш учун ҳуқуқий тарғибот материаллар тўплами (тақдимот, инфографика, буклет, видеороликлар) тайёрланиб, манзилларга етказилган.

Шунингдек, 20 мингдан ортиқ манзилли учрашувлар, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилган. Ижтимоий тармоқдаги "Huciqiy axborot" каналида 3,5 мингдан ортиқ маълумотлар 80 мингдан зиёд ошқарилган таъминчиларга етказилган.

Қайд этиш жоиз, бу йилги сайловларни технологик жиҳатдан янги ва замонавий бўшқичда ўтказиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, сайлов кампанияси даврида мутлақо ўзига хос платформа, "E-saylov" ахборот тизими ва Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимларидан фойдаланиш сайловларнинг халқаро стандартларга мос тарзда ўтишига хизмат қилади.

Мажлисида Рақамли технологиялар вазирлигининг Марказий сайлов комиссиясининг таклифлари асосида "E-saylov" тизимини кенг жорий этиш, Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизими (СЖБАТ) ҳамда Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини (СЯЭР) такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган ишларга доир ахбороти тингланди.

Жумладан, бугунги кунда 14 та худуд, 208 та шаҳар ва туманда Ички ишлар ва

зирлиги, Кадастр агентлиги билан биргаликда СЯЭРни долзарблаштириш бўйича хатлов ишлари олиб боришмоқда.

Бундан ташқари, Рақамли технологиялар вазирлиги Марказий сайлов комиссияси билан ҳамкорликда СЖБАТ ва СЯЭРдан фойдаланиш бўйича 22 мингдан зиёд операторларни ва "E-saylov" тизимининг 2 минг 428 нафар фойдаланувчисини ўқитиш ишларини амалга оширган.

Сайловчиларга қулайлик яратиш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва Ягона интерфасл давлат хизматлари порталида сайлов участкасини аниқлаш хизмати ишга туширилган. СЖБАТ ва "E-saylov" тизимларини техник қўллаб-қувватлаш учун "1209" қисқа рақам ажратилиб, Call-марказ фаолияти йўлга қўйилган.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, бўлажак сайловлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам катта қизиқиш билан кузатиб борилади.

Мажлисида Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан қатнашадиган кузатувчиларни аккредитация қилиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Қарор билан айрим халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг вакиллари хорижий кузатувчилар сифатида аккредитациядан ўтказилди.

Қайд этиш кераки, хорижий кузатувчиларни аккредитациядан ўтказиш бўйича аризалар Марказий сайлов комиссиясига "E-saylov" ахборот тизими орқали келиб тушмоқда.

Мажлисида, шунингдек, Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловлари кампанияси даврида Марказий сайлов комиссиясига келиб тушган мурожаатлар тахлилий кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди. Марказий сайлов комиссиясига 2024 йил 26 июль — 23 сентябрь ҳолатига кўра, 64 та мурожаат тушган ва уларнинг барчасига комиссия аъзолари ва Котибиятнинг тегишли бўлимлари томонидан қонунчилик ҳужжатларига асосланган ҳолда ўз вақтида жавоблар юборилган.

«Халқ сўзи».

# ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК МУҲИМ

Сир эмаски, юртимизда давлат харидлари соҳасини такомиллаштириш борасида дадил қадамлар ташланмоқда. Шу мақсадда соҳада кенг рақобат муҳитини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг давлат харидларидаги иштирокчини ошириш ҳамда давлат буюртмачилари учун қулай имкониятлар яратиш чоралари кўриляпти.

## Мушоҳада

Хўш, мазкур сайёҳаракатлар амалда қандай самара берапти?

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан 2023 йилда давлат харидлари соҳасидаги ўрганишлар натижасига кўра 138 та ҳолатда 110 млрд. сўмлик давлат харидлари қонун бузилишларига йўл қўйилгани боис бекор қилинган. Давлат харидлари қонунчилиги юзасидан ўтказилган 384 та текшириш бўйича 2 трлн. сўмлик қонунбузилиш ҳолати аниқланган. Давлат харидларида бюджет маблағларини талон-тороғ қилиш, жумладан, нархларни суъий ошириш билан боғлиқ 280 та жиноят фоти этилган ва бюджетга 308,4 млрд. сўм зарар етказилгани аниқланган.

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган эллик еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган "Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонун шундай салбий ҳолатларга барҳам бериш учун ишлаб чиқилганини таъкидлаш зарур.

Қонун билан кичик қийматдаги давлат харидлари ва икки босқичли давлат харидлари тушунча-



лари киритилмоқда ва давлат харидларида техник ва эксплуатация қилиниши хусусиятларини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган мураккаб товарлар (ишлар ва хизматлар)нинг хариди амалга оширилиши назарда тутиляпти.

Икки босқичли давлат харидларида техник ва эксплуатация қилиниши хусусиятларини аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган мураккаб товарлар (ишлар ва хизматлар)нинг хариди амалга оширилиши назарда тутиляпти.

Биринчи босқичда барча иштирокчилар томонидан харид қилинаётган товарнинг (ишининг, хизматнинг) техник хусусиятини акцентуиричи дастлабки техник таклифлар тақдим қилинади. Бунда

энг мақбул таклифларни берган иштирокчилар биринчи босқичдан муваффақиятли ўтган ҳисобланади. Давлат харидининг иккинчи босқичи биринчи босқичдан ўтган камида икки нафар иштирокчининг таклифлари мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Қонунга мувофиқ амалдаги "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонун янги — "барқарорлик" принципи тушунчаси билан тўлдирилмоқда.

"Барқарорлик" принцигига асосан давлат буюртмачилари қисқа, ўрта ва узок муддатли иқтисодий, экологик ва ижтимоий таъсирларни ҳисобга олган ҳолда барқарор давлат харидларини амалга ошириши мумкинлиги назарда тутиляпти.

Қонунда давлат харидлари соҳасида марказлашган давлат харидлари ва ҳадли келишув каби янги механизмлар назарда тутиляётгани ҳам айтиш керак. Ҳадли келишувда давлат буюртмачиси, жумладан, бюджет буюртмачиси, заруратга кўра, энг яхши таклифларни танлаш ёки тендер натижалари бўйича ҳадли келишув тузиши мумкинлиги, бунда давлат буюртмачиси бир нечта голибни танлаш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланган.

Давлат буюртмачиси энг яхши таклифларни танлаш ёки тендер натижасида аниқланадиган бир нечта голиб билан ҳадли келишув тузилиши тўғрисидаги шартни харид қилиш ҳужжатларида кўрсатади. Ҳадли келишув бир йилдан тўрт йилгача бўлган муддатга тузилади.

Шунингдек, қонунда тадбиркор-

лик субъектларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида электрон дўкон ҳамда аукцион савдоларида захира голиби бўлиш мумкинлиги, агар голиб томонидан шартнома тузиш рад этилганда захира голибига шартнома тузиш таклифи берилиши белгиланапти.

Қонун малакали иштирокчилар ўртасида тендерни ўтказишни тартибга солувчи янги модда билан тўлдириляётгани ҳам эътиборга молик. Малакали иштирокчилар ўртасида тендерни ўтказиш дастлабки малака танловидан ўтган қатнашчилар ўртасида амалга оширилиши мумкинлиги, тендерда иштирок этиш учун давлат буюртмачиси томонидан ўтказилган дастлабки малака танловидан ўтган ёки дастлабки малака танловидан ўтган салоҳиятли иштирокчилар рўйхатига киритилган потенциал иштирокчиларга рўхсат этилиши ҳам назарда тутиляпти.

Давлат харидлари соҳасида шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссия фаолиятида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик асослари алоҳида қайд этилгани диққатга сазовор.

Мазкур қонун келгусида давлат харидларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш имконини беради. Зеро, очиклик ва шаффофлик бошқа соҳаларда бўлгани сингари давлат харидлари жараёнида ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Қобул ТўРСУНОВ,  
Олий Мажлис Сенатининг  
Бюджет ва иқтисодий ислохлар  
масалалари қўмитаси раиси  
ўринбосари.

## 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни

# ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИ

Жамиятда муносиб ўринга эга бўлиш, касб-коримиз билан Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги учун хизмат қилиш, фарзандларимизни миллий ғурур, она юртва муҳаббат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда устоз ва мураббийларнинг ҳиссаси бекиёти.

Дарҳақиқат, илк бор қўлимизга қалам тутқазган, саводимизни чиқарган, қолаверса, ҳаёт йўлимиз давомида бизга оқ-қорани танитган инсон, бу — устоз. Уларни қанча эъзозласак, ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак, шунча кам. Зеро, фидойи касб эгаларининг шарафли меҳнати ҳар қандай таърифга, мактовга лойиқ.

Аммо шундай пайтлар бўлдики, ёшларга таълим бераётган ўқитувчилардан зерикарли тадбирларда бўш залларни тўлдирувчи "омма" сифатида фойдаланилди. Асосий вазифаси бир четда қолиб, фаолиятига мутлақо алоқадор бўлмаган ишларга жалб этилган боис кўплаб таърибли ўқитувчилар ўз севган касбини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий иродаси ва чинакам халқпарварлиги тўғрисидаги қарарларимизнинг таълими вақтидаги ўқитувчиларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри намоиш этиб борилади.

Мазкур майдонда деббатлардан ташқари юқори даражадаги спикерлар қатнашиб, эскюзив маълумотларни сайловчилар билан бўлишади. Журналистлар учун сайловларни ёритишга бағишланган семинар-тренинглар ўтказилади. Бу сайловлар билан боғлиқ жараёнларни ёритишда ҳолислик ва шаффофликни таъминлаш имконини беради.

Янги таҳрирдари Қонституциямизда ўқитувчи мактаблари алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилди. Бу эса жамият

Бугунги кунда нафақат пойтахтимиз, балки чекка худудлардаги таълим муассасаларида яратилган шaroитларни кўриб, тўғриси, кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Айниқса, илгари камдан-кам учрайдиган электрон доскалар, компьютерли, касбга йўналтириш учун қулайликларга эга синфхоналар, ўқув жиҳозларига эга лабораторияларнинг кўриб кўз қувнади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнати муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Чунончи, умумтаълим фанлари бўйича тегишли даражадаги сертификатга эга педагог кадрларга ҳар ой қўшимча 20 фойиздан 50 фойизгача устам тўланиши, ўқитувчиларга имтиёзли истеъмол кредитларини бериш жорий этилгани таълим фидойиларига кўрсатиляётган юксак эътиборнинг ёрқин намунаси, десак, янглишмаймиз.

Бундан ташқари, энг олис худудлардаги мактабларга бориб фаолият кўрсатаётган фидойи ва жонқур ўқитувчиларнинг ойлик маошига қўшимча 100 фойиз устам тўланиши. Бундай сайёҳаракатлар тўғрисида мактаб, таълим масаласи умумхалқ ҳаракатига айланди. Таълим соҳаси вакилларининг жамиятдаги ўрни ва мақоми юксалди. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, муаллимнинг обрў-эътибори — бу, аввало, миллиятнинг, бутун халқнинг обрў-эътибори.

Шунингдек, қонунда тадбиркор-

Шажоҳза ХОЛМАҲАМОВА,  
Олий Мажлис  
Қонунчилик палатасининг  
Фан, таълим, маданият ва  
спорт масалалари қўмитаси  
аъзоси.

## Хотира

# ХАЛҚЧИЛ ВА ДИЛБАР ШОИР ЁДИ ҲАМИША ҚАЛБЛАРДА

Пойтахтимиздаги "Туркистон" санъат саройида халқимизнинг суюкли фарзанди, шеър у биткилари "қанотли қўшиқ"ларга айланган ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 70 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлиб ўтди.



Унда шоирнинг оила аъзолари, яқинлари, дўстлари ва шоғирдлари, ёзувчи-шоирлар, санъат намояндалари, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Назму наво кечасидан аввал қатнашчилар байрамона безатилган сарой фойеидаги шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган суратлар, китоблар кўргазмаси билан танишишди.

Тадбирда шоир ва олимлар сўзга чиқиб, оташқалб шоирнинг жўшқин ҳаёти, ўзида шу юртва дахлдорлик ва инсонпарварлик фазилатларини жамлаган сермахсул ижоди борасида сўз юритишди.

Маълумки, айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб қатор таълим муассасалари, ижод мактаблари ва олий ўқув юртваларида Муҳаммад Юсуф ижодига бағишланган ижодий учрашув ва шеърят кечалари, адабий анжуманлар ташкил этилмоқда. Мазкур хотира кечаси ҳам ана шу эъзу ишларнинг давоми, десак, муболага эмас. Зотан, халқимиз ҳаммиша ардоқли шоирини эъзозлайди, унинг асарларини катта иштиёқ билан мутлақо қилади.


Тадбир давомида Кинематография агентлиги томонидан суратга олинган шоир ҳақидаги ҳужжатли фильм намоиш қилинди. Мониторда муаллимнинг ўзи ўқиган "Ўзбекистон" ва "Биз бахтли бўлаемиз" шеърлари видеолавҳаси қатнашчилар эътиборига ҳавола этилди.

Шундан сўнг бир гуруҳ ёшлар шоир шеърларидан ифодали тарзда намуналар ўқиди. Таниқли санъаткорлар томонидан шоир шеърлари асосида қуйланган қўшиқлар даврага ўзгача файз бағишлади.

«Халқ сўзи».

# «ДЕБАТ ХОЛЛ» – МУНОЗАРА ВА МУҲОКАМАЛАР МАЙДОНИ

Пойтахтимизда "Дебат Холл" медиа маркази фаолияти йўлга қўйилди. Миллий медиа бирлашмаси ҳамда Халқаро пресс-клуб томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик доирасида очик сиёсий мунозаралар ҳамда дебатлар ўтказиш мақсадида ташкил этилган ушбу ахборот марказида барча қулайлик яратилган.



бирлашмасига аъзо телеканаллар ва лойиҳаларнинг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида тўғридан-тўғри намоиш этиб борилади.

Мазкур майдонда деббатлардан ташқари юқори даражадаги спикерлар қатнашиб, эскюзив маълумотларни сайловчилар билан бўлишади. Журналистлар учун сайловларни ёритишга бағишланган семинар-тренинглар ўтказилади. Бу сайловлар билан боғлиқ жараёнларни ёритишда ҳолислик ва шаффофликни таъминлаш имконини беради.

«Халқ сўзи».

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 942. 12 918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетаник ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ISSN 0013-078X

Таҳририятга келган қўламлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг сўзасиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида термал ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланади.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" наширёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

«Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.59 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.  
Набатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.  
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.